

**Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг
“Dunyo bo’ylab” telekanali” давлат муассасаси ва “Respublika teleradiomarkazi” давлат
муассасаси ўртасида 2022 йил I чорак учун тузилган**

Ш А Р Т Н О М А № 8

Тошкент шаҳри

“ 12 ” сентябрь 2022 йил

“Dunyo bo’ylab” telekanali” давлат муассасаси номидан (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) Уставга асосан директор **Н.Туляганов** бир томондан ва “Respublika teleradiomarkazi” давлат муассасаси (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади) номидан Уставга асосан Бош директор **Ш.Расулов** иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар:

I. Шартнома предмети.

1.1. “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг барча тизимларига телерадиомаҳсулот ишлаб чиқариш ва эфирга тайёрлаш, узатиш, техник технологик ва бошқа хизматлар кўрсатишда, телерадио техник воситалар билан хизмат кўрсатишни, “Буюртмачи” эса кўрсатилган хизматларни қабул қилиб олиш ва лозим бўлган ҳақни тўлаш мажбуриятини олади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

-ҳар қандай вақтда “Ижрочи”нинг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш;

-мазкур шартнома ва буюртмага мувофиқ кўрсатиладиган техник хизматларни тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

-ўз вақтида (ПТЭ – 2000) асосан “Ижрочи”га 2022 йил I чоракда кундалик дастур жадвалини, ҳафталик иш жадвалини, техника воситаларидан фойдаланиш учун буюртмаларни, барча техник воситалар иш ҳажмларини дастлабки чорак режаларини, (чорак бошланишига 30 кун қолганда), аппаратхоналарни ойлик иш режаларини (ойнинг 14 қунигача), хизмат турлари бўйича аниқ ва равшан кўрсатган ҳолда топшириш;

- ПТЭ-2000 талабларига асосан амалга ошириладиган буюртмадаги техник хизматларини бажариш учун топшириш;

-ажратилган техник воситалардан, хоналардан, мебель, телефон аппаратлари ва бошқа моддий бойликлардан фойдаланилаётган давр мобайнида тўла моддий жавобгарлик юклатилади. Фойдаланиш жараёнида техник воситаларга етказилган моддий зарар “Буюртмачи” томонидан тўлиқ қопланади;

-фойдаланилган техник воситалар, хоналар ва бошқа моддий бойликлар ҳамда қабул қилиб олинган техник хизматлар учун ҳар ойда ўрнатилган тартибда ҳақ тўлаш;

-соат (22-00 дан 06-00 гача) кўрсатилган техник хизматлар учун (эфир вақти бундан мустасно) тасдиқланган тарифнинг 1,3 баробари миқдорида ҳақ тўлаш;

-ҳар ойда режа ва ҳақиқий иш ҳажмини бажарилишини аппаратхона, КТС (кўчма телевизион станция), ТОГ (тасвирга олиш гуруҳи) журналларида қайд этилган ҳақиқий бажарилган иш ҳажми билан таққослаш асосида назорат қилиб бориш;

-“Ижрочи” томонидан хизмат сафарига жўнатилаётган техник ускуна ва ходимларнинг хавфсизлигини тўлиғича ўз зиммасига олиш.

-техник воситалардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида пайдо бўлган бузилишларни бартараф этишни ўз ҳисобидан амалга ошириш;

-техникадан фойдаланиш қоидаларига риоя қилмаганлик “Буюртмачи” иштирокида “Ижрочи” томонидан тузиладиган далолатномада акс эттирилади.

2.3. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:

-кўрсатилган техник хизматлар учун “Буюртмачи”дан мазкур шартномага мувофиқ олдиндан тўловни ҳамда тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни талаб қилиш;

-кўрсатилган техник хизматларни қабул қилишдан асоссиз равишда бош тортган ҳолларда “Буюртмачи”дан етказилган зарарни қоплаб беришни талаб қилиш;

2.4. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:

-“Буюртмачи”нинг топшириқларини тасдиқланган режа доирасида техник воситалар, муҳандис-техник ходимлар, ҳамда ишчи-хизматчилар ёрдамида мазкур шартномада белгиланган техник хизматларни сифатли бажариш;

-кўрсатилган техник хизматларни Давлат, тармоқ стандартлари, (ПТЭ – 2000 қоидалари) ва расмий ҳужжатлар асосида амалга ошириш;

-жорий йилнинг биринчи июлигача, мавжуд техник воситаларни - овоз ёзиш аппаратхоналарни, янги техникани ишга тушириш, ишлаб чиқариш участкаларини қайта тиклаш ва ҳисоб-китобини ишлаб чиқиб “Буюртмачи”га топшириш;

-ажратилган хоналарнинг тозалигини, телефон, соат ва бошқа жиҳозларнинг доимий ишлаб туришини таъминлаш;

-барча техник ускуналарни сақлаш, эксплуатация қилиш ва техник ҳолатини талаб даражасида бўлишини таъминлаш;

-техник ускуналарни ўз вақтида ва белгиланган муддатда профилактика қилиш ва ажратилган маблағ доирасида капитал таъмирлаш ишларини бажариш;

-барча аппаратхоналарни буюртма асосида ишлашини таъминлаш;

III. Бажарилган ишларни тоншириш ва қабул қилиш тартиби.

3.1. “Буюртмачи”нинг техник ускуналардан фойдаланган вақтлари аппаратхона журналларида қайд этилиб, икки тараф вакиллари томонидан имзоланади ва бу бирламчи расмий ҳужжат деб ҳисобланади.

3.2. Агар кўрсатилган техник хизматлар сифатсиз бажарилган бўлса, унда томонлар бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш жараёнида расмий ҳужжат тузадилар, бу ҳужжатларда аниқланган камчиликлар кўрсатилади, уларни бартароф этиш усуллари ва муддатлари белгиланади

IV. Шартнома баҳоси ва ҳисоб-китоблар тартиби:

4.1. **Шартноманинг умумий баҳоси 704 584 000,0 (Етти юз тўрт миллион беш юз саксон тўрт минг) сўмни ҚҚС билан ташкил қилади, жумладан.**

а) бюджетдан, 524 584 000,0 (Беш юз йигирма тўрт миллион беш юз саксон тўрт минг) сўм ҚҚС билан;

б) бюджетдан ташқари, 180 000 000,0 (Бир юз саксон миллион) сўм ҚҚС билан.

4.2. Кўрсатилган техник хизматларнинг қиймати тасдиқланган тарифга асосан тўланади. Тариф нарх-наво ўзгаришига ва маошларни индексациясига қараб қайта кўриб чиқилади.

4.3. “Ижрочи” кўрсатилган техник хизматлар харажатлари қайд қилинган ҳужжат(ҳисоб-фактура)ни ва ойлик ҳисоботни «Буюртмачи»га ҳар ойнинг 3-санасигача топширади.

4.4. “Буюртмачи” келишилган ойлик ҳисоботни ҳар ойнинг 10-санасигача “Ижрочи”га тасдиқлаб топширади.

4.5. “Буюртмачи” “Ижрочи”га кўрсатиладиган техник хизматлари учун 30% миқдоридан олдиндан тўловни жорий ойнинг 20 санасигача амалга оширади. Қолган 70% тўлов, ҳар ой якуни бўйича томонлар ўртасида имзоланадиган бажарилган ишлар далолатномаси асосида амалга оширилади.

4.6. “Буюртмачи” кўрсатиладиган техник хизматлардан фойдаланиш тўловини чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан “Ижрочи”нинг хизматлари учун деб ажратилган маблағлари ҳамда телерадиоканалнинг бюджетдан ташқари маблағлари доирасида Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси томонидан тасдиқланадиган график, томонлар ўртасида тузилган баённомалар ва улар асосида имзоланадиган далолатномалар бўйича тўлиқ амалга оширади.

4.7. “Буюртмачи” томонидан “Ижрочи”га Шартнома баҳосини тўлаш “Ижрочи”нинг мазкур Шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.8. “Буюртмачи” техник воситалардан режада кўрсатилгандан ортиқ фойдаланса, тўлов ҳақиқий бажарилган иш ҳажми миқдорида тўланади.

4.9. “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”нинг ўз ходимларига, видеоматериалларни ночизиқли монтаж қилиш, коинотдан қабул қилиш ва видеоматериалларни кўриш бўйича ажратилган видеоманитофонларни кунлик иш ҳажми 8 соатдан ҳисобга олинади.

4.10. “Ижрочи” томонидан “Буюртмачи”га хизмат сафари учун ажратилган техник воситаларнинг кунлик иш ҳажми 12 соатдан ҳисобга олинади.

4.11. “Буюртмачи” хизмат сафари бўйича буюртмани камида 3 кун муддат ичида ёзма билдиришнома асосида бекор қилиши мумкин, акс ҳолда “Ижрочи”нинг барча сафар харажатларини белгиланган тартибда қоплаб беради, Давлат тадбирлари муносабати билан тақдим этиладиган буюртмалар бундан мустасно.

4.12. Қуйидаги ҳолатларда техник хизматлар иш ҳажмига киритилмайди ва ҳақ тўланмайди;

- “Ижрочи”нинг айби билан содир этилган техник тўхташ вақти учун;

- “Ижрочи”нинг айби билан чўзилиб кетган иш вақтига;

- Кундузги ва кечки кўрсатувлар орасидаги танаффус 45 дақиқадан ортиқ бўлса;

- “Буюртмачи” техник воситалардан фойдаланиш қоидасида қайд қилинганидек “Ижрочи”ни ўз вақтида огоҳлантириб, бошқа вақтга кўчирилган ёки ўзгартирилган иш учун;

Эслатма; - “Ижрочи”нинг айби билан иш тўхтаб қолса ёки ўзгартирилса, режалаштирилган иш “Буюртмачи” билан келишилган ҳолда ва уларга қулай вақтда “Ижрочи” томонидан бажарилади.

4.13. Иш ҳажмига киритиладиган ва ҳақ тўланадиган асослар:

- “Буюртмачи”нинг айби билан техник хизмат вақти кечикса ёки вақт узайтирилса.

- “Буюртмачи”нинг айби билан ПТЭ-2000 да кўрсатилган вақтдан кейин буюртма бекор қилинса.

4.14. “Буюртмачи” томонидан техник технологик хизматларга буюртма берилганда техник воситаларни жойигача етказиб бериш бўйича ёрдамчи махсус автотранспорт воситалари учун сарфланадиган харажатлар “Ижрочи” томонидан қопланади.

4.15. Республиканинг турли ҳудудларида (Тошкент шаҳридан ташқари) тайёрланадиган кўрсатув ва трансляцияларга жалб қилинаган КТС ҳамда қўшимча техник-технологик воситалар (РРЛ, кран, рельс, қўшимча камералар, магнитофон) “Ижрочи” томонидан белгиланган манзилга етказилгандан сўнг, “Буюртмачи” белгиланган кўрсатув ва трансляцияларни тайёрлашга сарфланган ҳақиқий иш ҳажми учун ҳақ тўлайди.

4.16. “Буюртмачи” нинг буюртмасига мувофиқ жалб қилинадиган барча турдаги техник-технологик хизматлар учун ҳақиқатда фойдаланилган иш ҳажмидан келиб чиқиб ҳақ олинади, хизмат сафари учун ажратилган шартноманинг 4.10-бандида кўрсатилган техник-технологик воситалардан ташқари.

V. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Кўрсатиладиган техник хизматлар муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ амалга оширилмаган тақдирда “Ижрочи” “Буюртмачи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

5.2. Кўрсатилган техник хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Шартноманинг шартини бузганлиги учун пеня тўлаш, шунингдек, етказилган зарарни қоплаш томонларни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

5.4. Жарима, пеня тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

5.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни нормаларига асосан белгиланади.

VI. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

6.1. Мазкур шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар ва келишмовчиликлар томонларнинг ўзаро келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Томонларнинг келишуви билан ҳал қилиб бўлмайдиган низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

VII. Форс-мажор ҳолатлари.

7.1. Томонларга боғлиқ бўлмаган фавкулотда ҳолатлар (сув тошқини, ёнғин, ер кимираши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек томонлар назорат қила олмайдиган бошқа ҳолатлар) содир бўлиши оқибатида шартномада кўрсатилган мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.02.2005 й. №63 сон Қарори).

VIII. Қўшимча шартлар.

8.1. Томонларнинг манзили, корхона номи, ҳисоб рақами ўзгарганда ҳамда хизматлар ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун муддат ичида ёзма маълумот беради.

8.2. Шартнома 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 мартгача амал қилади.

8.3. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар фақатгина томонларнинг ваколатли шахслари томонидан амалга оширилади.

8.4. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да сақланади.

Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

“Ижрочи”

“Буюртмачи “

“Respublika teleradiomarkazi”
давлат муассасаси

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 69 уй

Реквизитлар:

АТ Алоқа банк, Тошкент ш.
х/р 20210 00060 44808 28001
МФО 00401
ИНН 206045069
ИФУТ 60200

Ўзбекистон Республикаси
Moliya Vazirligi G'aznachiligi
H/R: 2340 2000 3001 0000 1010
Toshkent shahar XKKM
Markaziy bank Bosh boshqarmasi
G'aznachiligi Amaliyot boshqarmasi
MFO: 00014 STIR: 201 122 919
“Dunyo bo'ylab” telekanali DM
shifri 400 110 860 262 777 084 200 137 011
9 207 458 385 OKOHX: 93



Бош директор

Ш.Расулов



Директор

Н.Туляганов

Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи” шirkatlari фаoliyatining shartnomaviy-xuquqiy bazasi” qonunida belgilangan tartibda, 2022 yil 1 yanvardan 2022 yil 31 martgacha amal qiladigan shartnomaga muvofiq mazkur shartnoma imzolashga tayyorlash jarayonida “Dunyo bo'ylab” telekanali DM shartnomasi tomonidan xuquqiy ekspertizadan o'tkazildi.

(buzo yuristning F.I.Sh.)
9.12.21. 2022.

«КЕЛИШИЛГАН»
«Respublika telemarkazi»
давлат муассасаси
бош директори
Ш.РАСУЛОВ



«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Dunyo bo'ylab» telekanali
давлат муассасаси
директори
Н.ТУЛЯГАНОВ

«Dunyo bo'ylab» telekanali 2022 йил I-чорак учун телекўрсатувлар бўйича иш режаси

№	Техник воситалар номи	Тариф (сўм)	1 чорак соат	Январь	Февраль	Март	1 чорак сумма
1	Эфир		2160	744	672	744	131 189 760
	Si Media телеканаллар учун эфирга узати сервери 1 ПТБ оператив хотираси билан	60736	2160	744	672	744	131 189 760
2	Марказий аппаратхона		2880	992	896	992	106 639 200
	Рақамли Марказий аппаратхона файлга ўгириш сервери билан	44269	2160	744	672	744	95 621 040
	Файлларни сақлаш библиотекази (HP-LTO, ONY-ODI)	15303	720	248	224	248	11 018 160
3	Тайёргарлик		120	40	40	40	19 536 060
	АСБ-4,150 м2 ҳажмли	78707	60	20	20	20	4 722 420
	АСБ-5,120 м2 ҳажмли	246894	60	20	20	20	14 813 640
4	Тасвир ёзиш		4140	1380	1380	1380	145 310 820
	АСБ-4,150 м2 ҳажмли	78707	60	20	20	20	4 722 420
	АСБ-5,120 м2 ҳажмли	246894	60	20	20	20	14 813 640
	Видеокамера AG-UX 90	24430	60	20	20	20	1 465 800
	Видеокамера AJ-PX380GF	36011	60	20	20	20	2 160 660
	Видеокамера P2HD AJ-HPX 600 EN	31932	2400	800	800	800	76 636 800
	Фотокамера Canon EOS SD DSLR	30341	1500	500	500	500	45 511 500
5	Бошқа техник ускуналар		5760	1920	1920	1920	112 592 760
	ARRI L5-C LED, ранг х-ти	33987	240	80	80	80	8 156 880
	AVIWERST IP тармокли узатувчи	78489	60	20	20	20	4 709 340
	DEDO WEIGERT прожектор	29166	600	200	200	200	17 499 600
	Genaray LED-500 Свет	15838	300	100	100	100	4 751 400
	SWIT S-2430C Panel LED Light	22596	900	300	300	300	20 336 400
	Алоқа воситаси Rfdicom TR-700TELEX	6098	60	20	20	20	365 880
	Моторизованный слайдер A J PRO GP	25435	60	20	20	20	1 526 100
	Объектив Canon FE 24-105mmFE24-70	20884	900	300	300	300	18 795 600
	Объектив Sony Planer T*FE 50mm	16736	60	20	20	20	1 004 160
	Объектив Sony FE 70-200mmFE16-35	20884	900	300	300	300	18 795 600
	Портативный стабилизатор DJI Ronin-S	15732	600	200	200	200	9 439 200
	Радиомикрофон узатгич SKP 100	5978	900	300	300	300	5 380 200
	Хотира картадан файлларни кучириш	10180	180	60	60	60	1 832 400
6	Видеомонтаж		7517	2506	2505	2506	189 316 404
	Дубляж аппаратхонаси	44463	1200	400	400	400	53 355 600
	Ночизикли аппаратхоналар	20734	5700	1900	1900	1900	118 183 800
	Нозикли график станция (4К)	28812	617	206	205	206	17 777 004
	Жами						704 584 000